



Бутун дунёдаги хурриятчилар орасида бир сўз бор: «Хуррият берилмас, олинур. Хеч нарса ила олуб бўлмас, факат Кон ва курбон илагина олуб бўлур». Мана бу жумлалар Хакикатга шул қадар мувофикдурки, хазрати Одамдан шул вақтгача хеч бир давлат ва мамлакатда хурриятнинг берилгани, кон ва курбонсиз берилгани тарихларда кўрилмайдур. Балки, ҳар замон ва ерда хуррият берилмаган, олинган ҳам кўп кон ва курбонлар баробаринагина олинган.

Бизнинг Россияда ҳам ҳозирги хуррият 1772 йил (Пугачёв ихтилоли) дан давом этуб келган тортишувлар, тўкилган конлар, берилган курбонлар баробаринагина олинди. Ушбу 145 йил ичинда Русияда хуррият учун мингларча олимларнинг баданлари турма ва зиндонларда чуриди. Мингларча файласуфлар кўл ва оёқлари боғланган ҳолда Сибирия саҳроларида умр ўтказдилар. Мингларча дохийлар азиз ватанларидан айрилиб, чет мамлакатларда кочиб юрмакка мажбур бўлдилар. Мингларча қахрамонлар кўкракларин ўкка, бўйинларин дор арконларина курбон этдилар. Мингларча гуноҳсиз мазлумлар ва мазлумалар ўзларининг маъсум конлари ила ер юзини лолазор этдилар. Лекин хуррият учун кўрилган шундай жабр ва жафолар, тўкилган конлар ва берилган курбонлар жаноб Хак даргоҳида шул кунгача қабул бўлмаган тусли хуррият йўлида кўрилган бутун плон-лар емирилиб келди. Хурриятчиларни тутмоқ, қамамоқ, осмоқ, кесмоқ ҳозиргача давом этди.

Бутун Русияда хуррият учун қилинган саъй ва ҳаракат, тўкилган кон ва берилган курбонларга энг оз кўшилгон ва хуррият йўлида энг оз зарар қурган бир миллат бор эса, ул ҳам ёлғиз Туркистон мусулмонлари эди.

Эски ҳукуматнинг 1916 йил 25 июн фармони хоинона ва золимонаси (Туркистонда ҳарбий мардикор олмақ фармони) Туркистон мусулмонларининг ҳам кўзларин очуб, билмажбур хурриятчилар қаторина қиритди. Зотан, аввал фармон шундай ҳикматсиз, мантисиз ва нодонлик ила берилгон эдики, телеграмни ўқигон ҳар бир киши хеч ўйла-масдан: «Бу фармон Туркистон мусулмонларини ҳукуматга қарши оёқландуруб, қирмақ ва ерларини қочоқларга бермақ учун махсус қикорилгон интибоҳнома», — деб ҳукм қилмоқка мажбур эди. Чунки аввал фармонда на халқни ҳозирламоқ йўллари бор ва на мардикорликни неча ададлиги бор ва на муҳлат бор? Фақат «Фронт орқасидаги хизматлар учун Туркистон, Сибирия ва Қофқоз инонародецларидан 19 дан 31 ёшгача бўлган эр қишиларни қақираман», деган қискача сўздан иборат бўлган ул фармоннинг ҳозиргача аскарый хизмат ҳаёлларина ҳам келмаган бир халқ орасида қандай ҳаяжон тугдирмоғи ишлар бошидаги қишиларга, албатта, маълум бўлса қерақ эди. Тўсатдан қикарилгон бундай оғир фармон ёлғиз инсонларнигина эмас, ҳайвонларни ҳаракатга,

каршуликка мажбур этмоги табиий эди. Шунни билиб туриб аввал фармонни истисносиз, шархсиз, плонсиз бутун Русияга нашр этдилар. Хам амалий суратда халкка ҳеч бир тушунтирмасдан, ишга киришдилар. Ишнинг ҳақиқатини билмок учун маҳкамаларга борган гуноҳсиз мусулмонларни отдилар, тутдилар, алхосил, Туркистоннинг золим маъмурлари маълум 1916 йил июл фожиясини кўлдан ясаб майдонга чиқардилар.

Бу фожиада Тошкандда Калкин, Колесников ва Мочаловлар, Жиззахда Ивановлар, Семиречинский вилоятида, билмайман, тагин кимлар шул қадар «кахрамонлик» кўрсатдиларки, уйдаги хотун-қиз, бешиқдаги болалар, ҳеч нарса кўлидан келмайдургон чол ва кампирлар, тилсиз хайвонлар, жонсиз иморатлар ва моллар ҳеч бири истисносиз суратда отилди, кесилди, ёқилди, ёндурилди.

Фақат, баракат берсунга баъзи кишиларнинг саъй-ҳаракатлари соясида Туркистонга генерал Куропаткин, Тевкелев ва Керенскийлар келуб, ишнинг бир оз олдини тўсдилар. Аввалги юкорида исмлари ёзилгон «кахрамон»-лар шул қадар газабга мингон эдиларки, мусулмонларнинг гўшларин қабоб қилиб емак ул «кахрамонлар»нинг ошқора ва раъдзабонлари ўлмиш эди. Агарда яна бир ой булар ўз ҳолларина қўйилганда, эҳтимолки, Туркистоннинг кўп шаҳар ва қишлоқлари ҳозирда кишисиз, бўш харобазорлардангина иборат бўлиб қоларди.

Алхосил, Туркистон мусулмонлари зулм панжасининг остида шул қадар эзилдилар ва хуррият, ҳуқуқ йўлида шул қадар кўп қурбон бердиларки, бир-икки ой ичида бошқа миллатларнинг 145 йил ичида берган қурбонларига қувлаб етишдилар.

Мана бу қурбонлар жаноб Ҳақ даргоҳида энг макбул қурбонлар бўлди. Чунки бу шаҳидларнинг отилгон, кесилгон, осилгонда тўқилгон ва мазлумларнинг кўзлариндан оккан ёшлари хануз қуримагон, ҳуқуматга қаршулик тухмат ила зиндонларга солингон мингларча мусулмонларнинг судлари хануз тамом бўлмагон, военний судларнинг адолатсиз ҳукмлари ила осилгон шаҳидларнинг баданлари хануз қурумагон эдики, жаноби Ҳақ бу зулм ва истибдодларнинг амирларидан тортиб, маъмурларигача, шохларидан тортиб, қоровулларигача ер билан яқсон қилди.

145 йилдан бери тортишиб қелгон хуррият қахрамонлари ишчилар ва аскарлар ила баробар Туркистон мусулмонларини ҳам онларнинг ваҳшиёна зулм ва жабрларидан Қутқариб, Хуррият, Мусовот ва Адолат замонлар яна бита қўрди: «макбул қурбонлар».

Мунаввар қори Абдурашидхонов
«Нажот» газетаси, 1917 йил, 26 март